O'ZBEKISTON 16 · MUSTAQILLIK · INDEPENDENCE

# МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ АБАДИЙ БЎЛСИН!

2007 ЙИЛ, 1 СЕНТЯБРЬ, ШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 169-170 (10.978-10.979)

Баҳоси эркин нархда


# БУ БАЙРАМ — БАРЧАМИЗНИКИ, БУТУН ХАЛҚИМИЗНИКИ

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 16 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

*Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!*

*Муҳтарам меҳмонлар!*

*Авваламбор, сиз, азизларни, сизлар орқали бутун Ўзбекистон халқини барчамиз учун ҳақиқатан ҳам энг улуғ ва энг азиз байрамимиз бўлмиш Ватанимиз Мустақиллигининг 16 йиллиги билан чин қалбимдан табриклаш ва ўзимнинг чуқур ҳурмат-эҳтиромимни билдиришдан бахтиёрман.*

*Фурсатдан фойдаланиб, мана шу гўзал ва муҳташам майдонда бугунги тантанамизда қатнашаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари вакиллари, узоқ-яқиндан келган қадрли меҳмонларимизни, бу байрамни биз билан бирга нишонлаётган барча дўст ва биродарларимизни бутун халқимиз номидан қутлаб, самимий миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.*

*Азиз дўстлар!*

*Ўн олти йил тарих мезонлари билан ўлчаганда ғоят қисқа бир муддат эканини барчамиз яхши англаймиз. Бироқ биз учун том маънода янгиланиш ва юксалиш босқичи бўлган бу даврни ойлар ва йиллар билан эмас, балки амалга оширган ислоҳотларимиз самараси, бунёдкорлик ишларимиз салмоғи, қўлга киритган юксак марралар билан ўлчайдиган бўлсак, ҳеч шубҳасиз, бу йилларнинг ҳар бири чиндан ҳам ўн, керак бўлса, юз йилларга тенг бўлиши муқаррар.*

*Мана шу шиддатли ва кескин даврда биз босиб ўтган йўл, унинг улкан самаралари, синов ва машаққатлари ҳақида кўп гапириш мумкин. Лекин бир фикрни тўла ишонч билан айтиш лозимки, шу йиллар давомида юртимизда демократик давлат қуриш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш, халқаро майдонда муносиб обрў-эътибор топиш учун амалга оширган ишларимиз, бир сўз билан айтганда, Ватанимизни озод ва обод қилиш йўлида эришган марраларимизни ҳеч ким инкор эта олмайди.*

*Бугун мана шундай шукуҳли дамларда бу ютуқларнинг ижодкори бўлган заҳматкаш деҳқон ва фермерлар, ишчи ва хизматчиларимиз, ишбилармон ва тадбиркорлар, жасур ҳарбийларимиз, олиму зиёлилар, маданият ва санъат аҳли, фидойи муаллим ва ўқитувчилар, жонкуяр шифокорларнинг беқиёс хизматларини эътироф этиб, барчангиз олдида, бутун халқимиз олдида бош эгиб таъзим қиламан.*

*Ҳурматли юртдошлар!*

*Шак-шубҳасиз, мустақиллик йилларида қўлга киритган салмоқли ютуқлар барчамизники ва уларни ҳеч ким биздан тортиб ололмайди.*

*Айни пайтда бугун олдимизда турган муҳим ва долзарб вазифалар ўтган давр мобайнида барпо этилган салоҳиятдан оқилона фойдаланиб, бор куч-қудратимиз, имконият ва ҳаракатларимизни эртанги истиқболимиз, эзгу орзу-ниятларимизни амалга ошириш учун сафарбар этишни талаб қилади.*

*Бу ҳақда гапирганда авваламбор қуйидагиларга эътибор бериш керак, деб ўйлайман.*

*__Биринчидан__, эришган ютуқ ва натижаларимизга танқидий баҳо бериб, уларга маҳлиё бўлмасдан, ўз олдимизга юксак марралар, узоқ ва давомли эзгу мақсадларни қўйиб яшашимиз, биринчи навбатда халқимизнинг турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш доимо эътиборимиз марказида туриши зарур. Бунинг учун иқтисодиётимизнинг тез ва барқарор суръатлар билан ўсишини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, яқин уч йил мобайнида ишчи-хизматчиларнинг маошларини, пенсия, нафақа ва стипендиялар миқдорини 2-2,5 баробар кўтариш бизнинг устувор вазифамиз бўлиб қолиши шарт.*

*__Иккинчидан__, сиёсий ва иқтисодий ҳаётимизни янада либераллаштириш, сиёсий партиялар, ижтимоий ва фуқаролик тузилмалари ҳамда нодавлат ташкилотларнинг қонуний ваколатларини кенгайтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалда таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш бўйича кейинги йилларда қабул қилинган ҳуқуқий нормаларни ҳаётга татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратишимиз керак.*

*__Учинчидан__ , ҳозирги мураккаб ва таҳликали замоннинг ўзи инсоният ҳаётига таҳдид солаётган турли бало-қазолар мавжуд эканини ҳеч қачон унутмасликни, юртимизда тинчлик ва осойишталик, барқарорликни мустаҳкамлаш, сезгирлик, ҳушёрлик ва огоҳликни йўқотмасдан, ҳар қандай хавф-хатарга қарши муносиб жавоб бера оладиган куч-қудратимизни ошириш, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш йўлида доимо ҳаракатда бўлишимизни талаб қилади.*

*__Тўртинчидан,__ эзгу мақсад ва режаларимизни рўёбга чиқаришда бизнинг ишончимиз ва таянчимиз бўлмиш ёшларимизга янада кенг йўл очиб бериш, фарзандларимизни замонавий билим ва тажрибага, ўз мустақил фикрига эга бўлган, маънавий юксак комил инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг жамиятимизда мустаҳкам ва муносиб жой олиши йўлида зарур шарт-шароитларни яратиб бериш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.*

*__Бешинчидан,__ юртимизда турли миллат ва диний конфессиялар вакиллари ўртасида тотувликни, фуқаролараро аҳилликни кўз қорачиғидай асраш, яқин ва узоқ қўшниларимиз билан ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликда яшаш, жамиятимизда меҳр-оқибат, саховат ва бағрикенглик муҳитини янада кучайтириш ҳар биримизнинг муҳим вазифамиз бўлиб қолиши даркор.*

*Бугунги кунда эл-юртимизнинг ана шундай азалий фазилатлари, ёрдам ва кўмакка муҳтож бўлганларни қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга ошираётган олижаноб ва савобли ишларимиз "Ижтимоий ҳимоя йили" бўйича қабул қилинган давлат дастурида ўзининг яққол амалий ифодасини топаётгани барчамизни қувонтиради.*

*Азиз ватандошларим, қадрдонларим!*

*Бугун мана шу юксак минбардан туриб, кўнглимдаги яна бир гапни алоҳида таъкидлаб айтишни зарур, деб биламан.*

*Бугун 16 йил давомида босиб ўтган йўлимизни ва эришган марраларимизни баҳолар эканмиз, Ватанимиз, юртимизни улуғлаш, юксак муддаоларимизга етиш, ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт барпо этиш мақсадида амалга оширган катта-катта ишларимиздан, тер тўкиб қилган меҳнатимиздан ҳар қанча фахрланиб, ана шу ютуқларга мен ҳам муносиб ҳисса қўшдим, деб бошимизни баланд кўтариб, ғурур ва ифтихор билан яшашга тўла ҳаққимиз бор, десам, ўйлайманки, бу фикримга барчангиз қўшиласиз.*

*Мана шу мунаввар оқшомда сизларни Ватанимизнинг Истиқлол байрами билан яна бир бор табриклар эканман, ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман.*

*Ватанимизни, халқимизни, барчамизни Яратганнинг ўзи ёмон кўзлардан, ёмон ниятлардан асрасин!*

*Эл-юртимиз омон, осмонимиз мусаффо, мустақиллигимиз абадий бўлсин!*

## АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БОҒИДА ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ 16 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН БАЙРАМ ТАНТАНАЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ

Мустақиллик — озод ва обод Ватаннинг ҳар бир фарзанди ўзлигини, ўз қадр-қиммати, ор-номуси ва ғурурини теран англаши учун чексиз ва буюк имконият.

Халқимиз ўзининг энг улуғ, энг азиз байрами — Мустақиллигимизнинг қутлуғ ўн олти йиллигини кенг нишонламоқда. Бу гўзал байрам юртдошларимиз қалбига бемисл фахр-ифтихор, сурур бағишлайди.

Ўн олти йил. Балоғат ёши. Ватанимиз тарихида бу йиллар истиқлолимизнинг мустаҳкамлангани, том маънода, балоғат палласига қадам қўйгани билан ҳам аҳамиятлидир. Бу йиллар, мазмун-моҳиятига кўра, демократик тамойиллар ҳамда бозор иқтисодиёти асосларига таянган янги жамият, янги давлат қуриш йўлидаги асрларга тенг йиллар сифатида юртимиз тарихи саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан муҳрланади.

Ўн олти йилдирки, эл-юртимиз ўз тақдирини ўз қўлига олиб, мамлакатимизда янги ҳаёт, янги жамият қуриш учун астойдил меҳнат қилмоқда. Истиқлол йиллари Юртбошимиз раҳбарлигида ана шу эзгу мақсад йўлида эришилган салмоқли ютуқ ва натижалар, кенг қамровли ўзгаришлар, беқиёс имкониятлар билан халқимиз бугун ҳар қанча фахрланса арзийди.

2007 йил, 31 август. Пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳар қачонгидан шукуҳли, гўзал, салобатли.

Бу ерга ҳукумат аъзолари, Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, фан, маданият ва санъат намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий давлатлар элчихоналари, халқаро ташкилотлар вакиллари, хорижлик меҳмонлар ташриф буюрган.

Соат 19.30. Байрам тантанасида ҳозир бўлганлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни қарсаклар билан кутиб олдилар.

Чорлов мусиқаси байрам шодиёнаси бошланаётганидан дарак беради.

Президент Ислом Каримов минбарга таклиф этилади.

Давлатимиз раҳбари Мустақиллигимизнинг ўн олти йиллиги билан бутун халқимизни муборакбод этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз тантаналарини элликдан ортиқ мамлакат аҳолиси телевидение орқали томоша қилади. Бутунжаҳон глобал ахборот тармоғи – интернет орқали дунёнинг барча ҳудудларигача кириб боради.

Майдон узра таралаётган оҳанрабо куй ва қўшиқ таъсирида кўз ўнгимизда истиқлолнинг ўн олти йили бирма-бир гавдаланади.

Президент Ислом Каримов куни кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг қўшма мажлисидаги "Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли" маърузасида ўтган давр мобайнида халқимиз барча соҳаларда улкан ютуқларни қўлга киритганини алоҳида таъкидлади.

Ўтган даврда Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилиши соҳасида бетимсол ислоҳотлар амалга оширилди. Мамлакатимизда самарали фаолият юритаётган икки палатали парламент ана шу янгиланишларнинг яна бир юксак маҳсулидир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан қабул қилинаётган ва маъқулланаётган барча қонунлар жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, унинг ҳаётий фаолияти билан боғлиқ ҳамма соҳаларни ислоҳ қилиш вазифаларини изчиллик билан ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга.

**(Давоми 2-бетда).**

## АЖДОДЛАР ХОТИРАСИ — МУҚАДДАС

**ЭЛ-ЮРТИМИЗ ОЗОДЛИГИ ЙЎЛИДА ЖОН ФИДО ҚИЛГАН БОБОЛАРИМИЗНИ МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ ОЛДИДАН ЯНА БИР БОР ЭСЛАШ, УЛАРНИНГ МУБОРАК РУҲЛАРИНИ ШОД ЭТИШ БАРЧАМИЗНИНГ ИНСОНИЙ, ФАРЗАНДЛИК БУРЧИМИЗДИР. ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ИСЛОМ КАРИМОВ ТАШАББУСИ БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗДА 31 АВГУСТ ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИНИ ЁД ЭТИШ КУНИ СИФАТИДА КЕНГ НИШОНЛАНИШИДА ҲАМ АНА ШУНДАЙ ЭЗГУ МАҚСАДЛАР МУЖАССАМ.**

...31 август. Тонг. Қатағон қурбонлари хотирасига бағишлаб бунёд этилган рамзий қабр устидаги айвон гумбази узра қуёш нурлари жилваланади. Не-не қора кунлар, хунрезликлару машъум қатллар гувоҳи бўлган Бўзсув туб-тубидаги пўртаналарни бекитмоқчидек сокин оқади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қатағон қурбонларини ёд этиш куни муносабати билан пойтахтимиздаги "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуида ўтган хотирлаш маросимида иштирок этди.

*(Давоми 2-бетда).*

## XXI АСР САДОСИ

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**●Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига мамлакатимиз Мустақиллигининг 16 йиллиги муносабати билан хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарларидан самимий қутловлар келмоқда.**

**● Жиззах шаҳрида мамлакатимиз Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган байрам тадбири ўтказилди. «Меҳр-мурувват ва дўстлик айёми» номи остида ўтган ушбу тадбир доирасида вилоятдаги миллий маданият марказлари фаолиятини акс эттирувчи кўргазмалар ташкил этилди. Кам таъминланган оилаларнинг тўй маросимлари ўтказилди. Ёш келин-куёвларга «Ипотека» банкининг уй-жой қуриш ва сотиб олиш учун имтиёзли кредитлари, ҳомийларнинг совғалари топширилди.**

**●Навоий вилояти, Навбаҳор туманидаги Қалқонота қишлоғида Мустақиллик байрами арафасида 540 ўринли Педагогика коллежи иш бошлади.**

**●Сурхондарё вилоятида Мустақилликнинг 16 йиллик байрами муносабати билан 14 та касб-ҳунар коллежи, битта академик лицей, барча қулайликларга эга тўртта янги мактаб барпо этилди. Жойларда замонавий гузар, корхона ва турли маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қад ростлади. Жумладан, Денов туманидаги "Дўстлик" хусусий фирмаси томонидан янги ғишт заводи қуриб фойдаланишга топширилди. "Қизилжар" маҳалласида қад ростлаган ушбу корхона бир кеча-кундузда 30 минг дона пишиқ ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга.**

**●Мамлакатимиз Мустақиллигининг 16 йиллик тўйи муносабати билан Оҳангарон шаҳри аҳолиси яна бир қулайликка эга бўлди. Бу ерда қирқ ўринли замонавий туғруқхона фойдаланишга топширилди. Байрам арафасида очилган мазкур туғруқхона Оҳангарон шаҳри ва туманидаги юз мингдан зиёд аҳолига хизмат кўрсатади. Қурилиш ва таъмирлаш ишларига 150 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Бу ишларда ҳомийлар кўмаги катта бўлди.**

**●Косон тумани, Қозоқли қишлоғида «Мустақиллик, куйлайман сени!» номли маърифий тадбир ўтказилди.**

**●Истиқлолимизнинг 16 йиллигига бағишлаб пойтахтимизда ўтказилган бадминтон бўйича баҳсларда эллик нафардан зиёд ҳаваскор спортчи иштирок этди.**

### ЖАҲОНДА

**●Австриянинг Вена шаҳрида халқаро учликнинг Косовонинг мақоми юзасидан ўтказган музокаралари бирор бир натижасиз якунланди.**

**●Нью-Йоркдаги БМТ офисларидан бирида ҳужжатларнинг орасидан кутилмаганда асабни фалажловчи фосген моддаси жойланган шиша идиш топилди. Маълумотларга кўра, ушбу идиш 1996 йилда Ироқдан келтирилган бўлиб, ҳарбий лабораторияга топширилиши керак бўлган. Ҳозирда фосгеннинг БМТ қароргоҳига қандай келиб қолганлиги аниқланмоқда.**

**●Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида иккита поезднинг тўқнашиб кетиши оқибатида 11 киши ҳаётдан кўз юмди, 80 га яқин йўловчи жароҳатланди. Тўқнашув сабаблари ҳозирча номаълум бўлсада, поездлардан бирининг тезликни ниҳоятда оширганлиги таъкидланмоқда.**

**●Кечадан бошлаб ниҳоят Грециядаги ўрмон ёнғинларини жиловлашга муваффақ бўлинди. Бироқ ёнғинлар натижасида 63 киши ҳаётдан кўз юмди, 183 минг гектар ўрмон, 40 минг бош қорамол нобуд бўлди. Ҳозирда ёнғиндан жабрланганларга товон пуллари тўланмоқда.**

**●15 августда Германиянинг Дуйсбург шаҳрида италиялик олти кишининг отиб ўлдирилганлиги бўйича олиб борилган тезкор ҳаракатлар натижасида ушбу жиноятга алоқадорликда гумон билан 32 киши ҳибсга олинди.**

**●Ингушетиянинг Қорабулоқ шаҳрида тунда ўқитувчининг оиласига суиқасд уюштирилиб, аёлнинг турмуш ўртоғи ва икки фарзанди отиб ўлдирилди. Фақат бахтли тасодиф туфайлигини ўқитувчининг ўзи тирик қолган. Ҳозирда жиноятчини аниқлаш юзасидан кенг кўламдаги ҳаракатлар давом этмоқда.**

**●Испаниянинг Буньол шаҳрида анъанавий «Томатина» байрами бўлиб ўтди. Унда қатнашган 50 мингдан зиёд одам бир соат мобайнида бир-бирларига етилиб пишган помидорларни улоқтиришди. Помидор ҳосили якунида нишонланадиган ушбу байрам давомида 117 тонна помидор яксон қилинди.**

**●Nokia компанияси ўзининг бешта янги телефонини кенг омма эътиборига ҳавола этди. Мазкур телефонларнинг биринчиси асосан ўйинлар учун, кейингиси эса мусиқа ихлосмандлари ва рақамли плейери бўлмаганларга мўлжалланган экан. Қолган мобиль телефонларнинг барчаси қора корпусда бўлиб, хотираси аввалгиларига нисбатан анча кучайтирилган.**

## ГЎЗАЛ ПОЙТАХТИМИЗ АҲОЛИСИ ВА ШАҲРИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

Барчангизни файзу тароват ила кириб келаётган Энг қутлуғ шодиёна— Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги билан табриклаймиз. Ҳаётингиз булоқ сувидек мусаффо, хонадонингиз қувончу саодатга тўлиқ, кўнгилларингиз шод, маҳаллаларингизнинг обод бўлишига тилакдошмиз.




## « Махсустранс »

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

## IPOTEKA BANK

Озодлик, ҳурлик, эркинлик байрами муборак, азиз юртдошлар!



IPOTEKA BANK

## Азиз ҳамшаҳарлар, ҳурматли пойтахтимиз меҳмонлари!

## ТОШКЕНТ УНИВЕРМАГИ ОАСИЧЖ





Сизларни Энг улуғ ва шодиёна байрамимиз — Истиқлолимизнинг 16 йиллиги билан самимий муборакбод этади. Шундай шукуҳли, қувончли байрам арафасида барчангизга соғлик-омонлик, оилавий бахт, хонадонларингизга файзу барака тилаймиз!




Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин. Байрамларимизга байрамлар улансин.

Марҳамат, Сизлар учун универмагимиз эшиклари доимо очиқ.

# ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ

# МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИ ЖАМОАСИ

*Юртдошларимиз, ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларини Энг азиз айём –*

# Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги

## билан эзгу ниятларни изҳор этган ҳолда табриклайди.

*Юртимиз обод, ҳаётимиз фаровон, оилаларимиз бахтли-саодатли, Мустақиллигимиз абадий бўлсин! Сўлим боғимизга марҳамат қилиб, ҳордиқ чоғларингизни кўнгилли ўтказинг. Боғдаги барча ўйингоҳлар дилингизга хушнудлик бахш этади.*








АЗИМ ПОЙТАХТИМИЗ АҲОЛИСИ, ПИРУ БАДАВЛАТ ОТАХОНУ ОНАХОНЛАР, ЮРТИМИЗ ДОВРУҒИНИ ЖАҲОНГА ТАРАТАЁТГАН СПОРТЧИ ЁШЛАР!

*Барчангизни*

**МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИНИНГ 16 ЙИЛЛИК**

*шодиёнаси билан муборакбод этамиз. Ҳамиша юртимизга тинчлик, хонадонларингизга файзу барака тилаймиз. Мустақиллик қуёши осмонимиз узра абадий нур сочсин.*



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ**



**O'ZSANOATQURILIShBANK**

ЎЗБЕКИСТОН АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ САНОАТ ҚУРИЛИШ БАНКИ «ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» ЖАМОАСИ АЗИЗ ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ

**МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 16 ЙИЛЛИК**

*АЙЁМИ БИЛАН САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТАДИ!*

**Барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт ва юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий юксалишидаги саъй-ҳаракатларингизда муваффақиятлар тилайди.**

**«Ўзсаноатқурилишбанк»и ушбу улуғ байрам ҳамда «Ижтимоий ҳимоя йили» муносабати билан жозибадор ва юқори даромадли «ЭЪЗОЗ» ва «КАПИТАЛ ПЛЮС» номли янги муддатли омонат турларини таклиф этади.**

Шунингдек, юртимиз аҳолиси ва меҳмонларига энг замонавий тўлов воситаси ҳисобланган, Visa Classic ва Visa Electron карталарини таклиф этади. Visa карталари эгаларига энг юқори даражадаги ҳимоя ва тўловларни амалга оширишдаги қулайликни таъминлаймиз.

**Банк мижозларга замонавий ва сифатли банк хизматларини такдим этишни давом эттириб, Сизларга ИПОТЕКА КРЕДИТИ, МОЛИЯВИЙ ИСТЕЪМОЛ КРЕДИТИ ВА МИКРОКРЕДИТЛАРНИ таклиф этади.**



*«Ўзсаноатқурилишбанк»даги аҳоли омонатлари «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди» томонидан ҳимоя қилинган.*
*Ўз жамғармаларингизни асраш ва кўпайтириш имконини қўлдан берманг, банкимизнинг барча хизматлари Сиз учун, азизлар!*
*Банк омонатининг сир сақланишини, омонатчи олдидаги ўз мажбуриятларининг бажарилишини ва омонатдаги пул маблағларининг биринчи талабга кўра берилишини кафолатлайди.*

**Ўзингизни қизиқтирган барча тегишли масалалар бўйича қуйидаги телефон орқали Call-марказга мурожаат қилишингиз мумкин:(998 71) 113-15-15**
**www.uzpsb.uz**

Хизматлар лицензияланган.





**Пойтахтимиз меҳмонлари ва азиз ҳамшаҳарлар!**

**Барчангизни энг ардоқли байрам — Мустақиллигимизнинг 16 йиллик шодиёнаси билан самимий муборакбод этамиз.**

**Ҳамиша умрингиз чароғон, йўлларингиз бехатар, хонадонингиз обод бўлсин.**

**«12-АВТОБУС САРОЙИ»**
**очиқ акциядорлик жамияти жамоаси**







**«4-Автобус саройи» акциядорлик жамияти жамоаси**

Барча юртдошларимиз ва ҳамшаҳарларимизни, қадрдон ҳамкасбларимизни файз-тароват ила нишонланаётган Мустақиллигимизнинг 16 йиллик қутлуғ байрами билан чин дилдан табриклайди.

Қалбларингиздаги эзгу ниятлар амалга ошиб, бағрингиз бутун, дастурхонингиз тўкин, йўлингиз ойдин бўлсин, қадрдонлар!









*Мустақиллик тақдиримда*

## ТАДБИРКОРМАН — БАХТИЁРМАН

*** Рокия ҲАБИЯЛИЕВА, «NISO TEKSTIL» хусусий корхонаси раҳбари, тадбиркор:**

— Энг азиз, энг улуғ шодиёна — Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги яқинлашар экан, шубҳасиз ҳар биримизнинг дилимизда ўзгача ғурур, ажиб тароват, чексиз фахрланиш туйғуси мужассам бўлади. Ушбу туйғу Истиқлолнинг буюк неъмат эканлигидан, ота-боболаримизнинг ҳақиқий эзгу ниятлари ижобат бўлганидан, озод ва обод юртимизда йилдан йилга асрларга татигулик ишлар амалга оширилаётганидан шукроналик белгисидир, десам асло муболаға бўлмайди.

Ҳар йили байрам арафасида ортимга бир назар соламан: ўзгаришлар, янгиланишлар бисёр. Бундан бениҳоя қувонар эканман, лабларим беихтиёр «Истиқлолимга кўз тегмасин», дея пичирлайди. Негаки, мен Истиқлолни ҳақиқий истиқболим дейман. Қалбимдаги эзгу ниятларим, мақсаду орзуларим мана шу Мустақиллик шарофати билан амалга ошди, рўёбга чиқди.

Бундан 16 йил аввал тадбиркорлик билан шуғулланишни, ўзим очган тикув цехида хотин-қизларни иш билан таъминлаб ва энг асосийси, хорижники билан бемалол рақобатлаша оладиган кийим-кечаклар тайёрлашни ўйлардим, лекин орзуимнинг амалга ошишига ишонмасдим. Буни қарангки, Мустақиллигимиз шарофати билан ана шу нарсаларнинг барчасига эришдим. Нафақат эришдим, балки тадбиркорликка очилган кенг йўл боис, ҳукуматимиз ва Юртбошимизнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлашлари, юксак ишонч ҳамда эътиборлари боис тадбиркор аёлларнинг олдинги сафидан ўрин олдим. Ҳозирда ўзим ташкил этган хусусий корхонамда тайёрланаётган болалар кийим-кечакларига фақат ички бозордагина эмас, ҳаттоки қўшни давлатларда ҳам харидорлар топилади.

Мен тикув машинасига ўтирган кунимдан бошлаб кичкинтойларни ўйлардим, уларнинг соғлиғига зарар қилмайдиган ўзимизнинг пахта хом ашёсидан тайёрланган матолардан либослар ишлаб чиқаришни орзу қилардим. Ушбу имкониятни менга Истиқлол инъом этди. Шу боис ҳам уни мустаҳкамлашга, эл-юрт ривожига, иқтисодиётимиз равнақига ҳисса қўшишни ўз бахтим деб биламан.

Яна бир нарсадан қувонаманки, Президентимизнинг кейинги йиллардаги тадбиркорлик ривожига оид бир қатор Фармон ва Қарорлари эркин фаолиятимизда кафолат бўлди, ҳуқуқий ҳимоя, қўллаб-қувватлашлардан, имтиёзлардан баҳрамандмиз, ғов ва тўсиқлар, ноқонуний текширишларга чек қўйилмоқда. Бундай шарт-шароитлар нимадан нишона? Бу, албатта тадбиркорликнинг кейинги истиқболидан, мамлакат иқтисодиётидаги улкан ҳиссасидан, эл-юрт фаровонлиги йўлидаги изланишларидан далолатдир.

Шундан фахрланаманки, аёл тадбиркорларимиз сафи кенгайиб, уларнинг интилишлари самара бермоқда, ғайрат-шижоатлари ёрқин намоён бўлмоқда. Ана шу мустаҳкам қаторларда мен ҳам борман, хусусий корхонанинг «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрлиқли маҳсулотларига хориждан ҳам харидорлар чиқмоқда. Энг муҳими эса мустақил юртда ишонч билан изланаяпман, яратаяпман, мукофотини ҳам олаяпман.

Ишларинг ўнгидан келаверса, суянч ва таянчларинг мадад бўлса, янгиликлар қилишга интилаверар экансан. Менинг суянчим, таянчим, мададим — Мустақиллик, унинг неъматлари экан, орзуларим ортиб бормоқда. Бугунги 40 кишилик жамоамни 100 нафарга етказиш, 100 турдаги моделларни бозор талаби асосида ой сайин янгилаш, хориж болалар дунёсига замонавий либосларим билан кириб бориш, юксак унумли чет эл дастгоҳлари билан жиҳозланган каттагина фабрика очиш — санаб саноғига етолмайман. Бу орзугина эмас, балки ҳақиқат — Мустақиллигим ато этган куч-қудрат, сабр-матонат. Байрам арафасида баралла айта оламан: тадбиркорман — бениҳоя бахтиёрман.

*Бу байрам—барчамизни*

## КЎНГИЛЛАРГА МЕХ ТУТАШДИ

**БЕКТЕМИР ТУМАНИДАГИ «ИСТИҚБО МАҲАЛЛАСИДА «БУ БАЙРАМ—БАРЧАМИЗНИКИ, БУТУН ХАЛҚИМИЗНИКИ» ДЕБ НОМЛАНГАН БАЙРАМ ТАДБИРИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Тадбир иштирокчилари ва таклиф эти меҳмонлар учун катта байрам дастурхони кил этилди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ху берди Тўхтабоев, Анвар Обиджон, Ўзбеки халқ шоири Ҳалима Худойбердиевалар ринининг она-юрт, дўстлик, меҳр-вафо ҳақи шеър ва асарларидан ўқиб, йиғилганларни раманд этдилар, дилтортар куй ва қўши эса барчага кўтаринки кайфият бағишлади

**Азиза МУХАМЕД**

*Мустақиллик тенгдошлари*

# ЮРАК ОРЗУЛАРГА ЛИММО-ЛИМ

**МУСТАҚИЛЛИК ҚУЁШИ ЮРТИМИЗ УЗРА ЧАРАҚЛАГАН КУННИНГ 16 ЙИЛЛИК ҚУТЛУҒ ШОДИЁНАСИ НИШОНЛАНАДИГАН ЛАҲЗАЛАРГА ҲАМ ЕТИБ КЕЛДИК. БУГУН ЎТГАН ҚИСҚА, ЛЕКИН ОЛАМШУМУЛ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛГАН ЙИЛЛАР ҚАТИГА ҚИСҚАГИНА НАЗАР ТАШЛАСАК УНИНГ КЎЛАМИНИ, ЗАЛВОРИНИ ЮРАКДАН ҲИС ЭТАМИЗ, ОЗОДЛИК ДЕБ, ТЕНГЛИК ДЕБ, ЭЛИМ, ЮРТИМ ДЕБ ЖОН ФИДО ЭТГАН БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ РУҲИ-ПОКИГА ТАЪЗИМ БАЖО ЭТИБ, ДОРИЛОМОН КУНЛАРГА ЕТКАЗГАНИГА ШУКРОНАЛАР КЕЛТИРАМИЗ.**

Дарҳақиқат, мустақиллик шабадаси эса бошлаган дастлабки кунларданоқ Юртбошимиз Ислом Каримов изчил ислоҳотлар жараёнида барчанинг эътиборини ёшлар таълим-тарбияси, яъни ёш авлоднинг жисмонан соғлом, маънан баркамол бўлиб вояга етишига қаратдилар. Бу йўлда қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, «Таълим тўғрисида»ги қонун ва ушбу ҳужжатларнинг мантиқий давоми бўлган 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури таълим соҳасида туб ижобий бурилишлар ясади.

Давлатимиз раҳбари: «Биз ўз истеъдодли, фидойи болаларимиз, фарзандларимизга билим ва касб чўққиларини забт этиши учун қанот беришимиз керак» деб бежизга таъкидламадилар. Бугунги кунда билимга чанқоқ, истеъдодли, иқтидорли, изланувчан ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, уларни Ватанга садоқатли, мард, жасур, фидойи этиб тарбиялаш йўлида кўп саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Чунончи, жаҳон андозалари даражасида қурилаётган янги академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, мактаблар, уларда яратилаётган шарт-шароитларнинг бари юқоридаги хайрли ниятлар йўлида қилинаётган ишлардир. Энг ривожланган давлатларда таҳсил олаётган ёшларимиз эса ишонган суянч тоғларимиздир. «Соғлом авлод» жамғармаси, «Ниҳол», Зулфия мукофотлари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси... Мустақиллик берган имкониятлар туфайли ёшларимиз ўз иқтидор ва истеъдодларини кўрсатиб, фан, санъат, спорт соҳасидаги халқаро танлов ва мусобақаларда совринли ўринларни эгаллаб, Ўзбекистонимиз номини дунёга танитмоқдалар.

Бугун Мустақиллигимиз 16 ёшга тўлмоқда. Истиқлол тенгдошлари ҳам вояга етиб Ўзбекистон паспортини фахр ва ғурур билан қўлга олиб, мустақил она-юртимга муносиб фарзанд, ёмон кўзлардан асрагувчи мард посбони бўламан деб дил сўзларини айтмоқдалар. Биз айни улуғ айём арафасида, спортда бир қатор ютуқларни қўлга киритиб тенгдошларига ибрат, намуна бўлаётган бир гуруҳ мустақиллик тенгдошлари спортчи-ёшлар билан мулоқотда бўлиб уларнинг ўй-фикрлари, келажакдаги орзу-ниятлари билан қизиқдик.

**●Абдуқаҳҳор САИДОВ, Собир Раҳимов туманидаги коллеж ўқувчиси, кикбоксинг бўйича 2006 йилда жаҳон чемпиони, икки марта республика чемпиони:**

— Ота-онам машҳур спортчи бўлишим, тенгдошларимдан ортда қолмаслигим, чемпионлик камарини муносиб ҳимоя қилишим учун барча шароитни яратиб беришган. Қолаверса устозларим, машғулотлар ўташ учун барча имкониятларнинг етарли эканлиги ғалабага омил бўлмоқда, Мен келажакда Ватанимга, ота-онамга содиқ ўғлон бўламан, Ўзбекистонимиз байроғини баланд кўтариш ҳамиша насиб этишини орзу қиламан.

Бектемир туманилик таэквандо бўйича халқаро турнир ғолиби Регина Валиева, Чилонзор туманилик акробатика бўйича 2007 йилги Ўзбекистон Кубоги совриндори Ширин Солиҳова, Шайхонтоҳур туманилик каратэ бўйича етти марта Ўзбекистон чемпиони, олти марта Ўзбекистон ва Атланта кубоги соҳиби, Рустам Абдуллаев, худди шундай натижаларни қўлга киритган Азиз Абдуллаевлар ҳам мустақиллик билан баб-баравар ўсиб, улғайиб, камол топиб борар эканлар, орзу-ҳавас, ўй-интилишлари оламга сиғмаслигини билдирдилар.

Зеро, Юртбошимиз бежизга: «Фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт!» дея таъкидламаганлар. Мустақиллик тенгдошларининг эришган ва эришаётган ютуқлари дарёларга қуйилаётган ирмоқчаларнинг тоза наслидан, эзгу тилакнинг ижобат бўлишидан дарак бермоқда. Ойдин йўлларингиз бунданда порлоқ бўлсин XXI асрнинг болалари, халқимиз, юртимиз орзу-умиди, эртанги кунимиз, порлоқ келажагимиз.

**Шоира МУХАМЕДОВА**





*Мунаввар лаҳзалар*

# КЎНГИЛ БОҒЛАРИДА ГУЛЛАЁТГАН ЭРК

**ТУНЧИРОҚЛАРИ ПОРИЛЛАГАН ПОЙТАХТИМИЗ КЎЧАЛАРИДА БАЙРАМ ШУКУҲИ КЕЗМОҚДА. ШОДЛИКДАН ЧАРАҚЛАГАН ЧЕҲРАЛАР, МЕҲРГА ҚОРИШИҚ ДИЛ ИЗҲОРЛАРИ, ТУРЛИ ТИЛЛАРДА АЙТИЛАЁТГАН ОЛҚИШУ ТАБРИКЛАР ШАҲРИМИЗНИНГ ФАЙЗУ БАРАКОТИНИ ЯНАДА ОШИРИБ, ЗИЙНАТИГА ЗИЙНАТ ҚЎШАЁТГАНДАЙ.**

Истиқлол айёми арафасида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган тантаналарни телеэкран орқали томоша қиларканман, «аслида биз ўн олти йилдирки, шундай шодиёналар ичра яшаяпмиз» деган фикр хаёлимдан кечади. Бу — ҳақиқат. Ушбу йилнинг ўзидаёқ халқимиз ҳаётида кўплаб ажойиб воқеалар юз берди. Тошкент шаҳри ислом маданиятининг пойтахти деб эълон қилинди. Улуғвор Ҳазрати Имом мажмуаси қайта бунёд этилди. Ҳамюртимиз Руслан Чагаев бокс бўйича жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритди. Шаҳримизда ўтказилган «Универсиада» спорт байрами эса минглаб ёшларни ўз сафига бирлаштирди. Бободеҳқонлар юртимиз тарихида биринчи маротаба олти миллион тоннадан ортиқ бошоқли дон ҳосили етиштирдилар. Кечагина Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон темир йўли ишга туширилгани ҳақидаги хушхабар Ўзбекистон бўйлаб тарқалди. Хуллас, озод мамлакатнинг ҳар битта мўъжизаси қалбларимизда ғурур туйғусини янада жўш урдираётгани рост. Ўзбекнинг ким эканлиги, қай ишларга қодирлиги дунё халқларини ҳайратга солаётганлиги ҳам рост!

Бу юртнинг муқаддас тупроғи нене олиму уламолар, фозилу фузалолар, ҳукмдорлару саркардалар, тоғни урса талқон қилгулик мард паҳлавонлар ҳокига макондур. Уларнинг бариси шу миллат келажагини деб жонини фидо қилган, халқни ўз ортидан эргаштирган...

«Юртим, Туроним, сендан айрилмоқ — менинг ўлимим, сенинг учун ўлмоқ — тириклигимдир» дейди Абдурауф Фитрат ўтган аср бошларида ёзган «Юрт қайғуси» асарида.

Миллат довюрак ўғлонларининг сўзларидан қувват олиб илгарилаган. Қирғинбарот урушлар ва талотўплардан омон чиққан, бақувват дарахтдек қад ростлаб азалий илдизларидан узилмаган!

Болалигимда бувим «Ўзингдан баландроқ одамларнинг суҳбатида бўл» дер эди. Бу гапнинг мағзини ҳеч чақолмасдим. Йиллар ўтгач тушундимки, инсон баланд сўзлагувчиларга йўлдош бўлса ҳаётни чуқур идрок этиб, халқининг оғриқларини теранроқ илғай боракан. Мен гоҳо турлича феъл-атворли кишилар орасида юриб бувимнинг ўша ўгитини фикр тарозусидан ўтказаман. Сўнгра атрофимга боқаман. Кимдир ҳар сониянинг вақтини олтиндек қадрлаб билимларни тезроқ эгалласам, дейди. Яна кимдир «Ё заринг, ё зўринг бўлсин» деган шиорни байроқ қилиб кўтариб олган. Хуллас, биров илм йиғади, бошқа биров мол-дунё тўплайди. Аслида буларнинг қай бири афзал? Қай бири кучли? Тарихий ёзувларда келтирилишича, бир куни Наполеон суҳбатдошига дейди:

— Мени ҳаммадан кўра ажаблантирадиган нарса зўравонликнинг яратувчиликка қодир эмаслиги! Дунёда икки ҳоким бор — қилич ва ақл-идрок. Охир-оқибатда ҳар доим ақл-идрок қилич устидан ғалаба қозонади!

Ақл-идроки баланд, билимдон одам дунёни танийди, юртини асраб-авайлашни ўрганади. Бу кун турли илмларни ўзлаштириб, келажак томон илдам бораётган кишига ҳамма эшиклар очиқ. Бундай одамлар ҳар даврада сўзи билан ғолиб, иши билан атрофидагиларга ўрнак... Улардан бири — тадбиркор, даромади бисёр, рўзғори тўкин. Қўлини қаёққа узатса етади. Бироқ, шунинг ўзигина унга таскин беролмайди. Балки даромаднинг баракоти эл-юрт дуосидадир? Агар у фақат рўзғори ташвишлари билан яшамасдан, юрт ободлигига ҳисса қўшса, йиқилганни суяб, муҳтожга кўмак берса, одамлар манфаатини шахсий эҳтиёжларидан устун қўйса, мақсадга эришиши осон кечар?! Бойлигига янада кўпроқ бойлик қўшилар шунда?!

Хуллас, ҳар биримиз истиқлолнинг гўзал имконларидан тўла фойдаланиб ишда ютуқларга эришсак, маънан юқориласак қанчалар соз! Юрт равнақи йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз билан ортимиздан келаётган жажжи миллатга ўрнак бўлолсак қанчалар соз! Жамият юкига елка тутадиган мард ва билимдон фарзандларни тарбиялаб улғайтирсак қанчалар соз...

«Ўзгалар бахтини ўйлаб яшасак ўз бахтимизни ҳам топамиз» деган ҳикмат бор. Демак, бахт бошқалар учун фидойиликда экан. Бу каби фидойи инсонлар орамизда кўп, албатта. Тақдирини юрт тақдиридан айро тасаввурлай олмайдиганлар, бор кучи ва билимини Ватан саодати йўлида сарфлаётганлар, ҳар дам, ҳар соатда нафақат оиласи, балки маҳалласи, эл-юртига наф келтириб яшаётганларнинг сон-саноғи йўқ. Озод юртнинг бахтли фуқароси худди шундай ҳаёт кечирмоғи керак! Шундайлар борлиги учун ҳам мамлакатимиз янада юксалмоқда, гуллаб-яшнаётир.

Муҳтарам Президентимиз айтадилар: «Агар шу муқаддас заминда яшаётган барча инсонлар — миллати, тили ва динидан қатъи назар, Ўзбекистон менинг ягона Ватаним деб билса, белни маҳкам боғлаб шу юрт учун астойдил меҳнат қилса, бизни ҳеч қандай куч енга олмайди, юртимиз ва халқимиз ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди».

Ушбу сўзлар бизнинг руҳимизга қанот, жисмимизга қувват бағишлайди, қалбларимизда жасоратни, шижоатни уйғотади. Куч-қудратимиз ошиб, тобора олдинга қараб борарканмиз, кўнглимиз боғларида Эрк ғунча очади, гуллайди. Ана шу ҳурлик гулчечакларини бағримизга босиб, қувончимизни бутун дунёга кўз-кўз қиламиз ва деймиз: «Ўн олти ёшинг муборак, Истиқлол! Бахту иқболинг боқий бўлсин!»

**Гулчеҳра ЖАМИЛОВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист**

*Доимий комиссияларда*

# ИККИ ТОМОН МАНФААТИ УЙҒУН БЎЛСА

**МУТАХАССИСЛАР ТАҲЛИЛЛАРИ ШУНИ КЎРСАТАДИКИ, КЕЙИНГИ УЧ-ТЎРТ ЙИЛ ИЧИДА ДЕЯРЛИ БАРЧА СОҲАЛАРДА ИЗЧИЛЛИК КУЗАТИЛМОҚДА. ХУСУСАН, ШАҲАР ИҚТИСОДИЁТИДАГИ МУАЙЯН ЎЗГАРИШЛАР АҲОЛИНИНГ ТУРМУШ ДАРАЖАСИ ЯНАДА ЮКСАЛИШИДАГИ АСОСИЙ ОМИЛДИР.**

Бундай ижобий кўрсаткичларга эришишда, шубҳасиз, иқтисодий тармоқларда фаолият юритаётган субъектларнинг манфаати таъминланаётгани, бу борада қабул қилинган кўплаб меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг изчил татбиқ этиб келинаётгани муҳим аҳамиятга эгадир. Айниқса мамлакатимиз Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони хўжалик субъектларининг барқарор фаолият юритишига катта ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ўтган вақт давомида текширишларни тартибга солиш орқали тадбиркорлик ҳаракатининг изчил ривожланишини таъминлаш юзасидан назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи шаҳар ва туман ҳудудий комиссиялари томонидан бир қатор амалий ишлар қилинди.

Чунончи, шаҳар комиссиясининг ишчи гуруҳи томонидан жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида Ички ишлар бош бошқармасининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси, «Ўзстандарт» агентлиги ва Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятчиликка қарши курашиш департаментининг шаҳар бошқармалари бўйича текширишларни тартибга солиш, уларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган қонунчилик-меъёрий ҳужжатлар ижроси бўйича мониторинглар ўтказилди.

Шаҳар назорат органлари томонидан ўтган давр мобайнида ноқонуний текширишлар ўтказилишига йўл қўйилмаган. Барча назорат органларининг текшириш ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган ходимлари бундай текширишларни ўтказмаслик тўғрисида доимо огоҳлантирилиб борилади.

Янги қабул қилинаётган қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини манфаатдор бўлган тадбиркорларга вақтида тушунтириб бориш мақсадида бугунги кунда барча туман солиқ идораларида учрашув кунлари ҳам белгиланган. Ўтган қисқа вақт ичида қабулга ёзилган уч мингга яқин тадбиркор ўз мурожаати бўйича қаноатлантирилган.

Шу билан бирга ҳисобот даврида шаҳар ҳудудий комиссияси номига хўжалик юритувчи субъектлардан, хусусий тадбиркор ва фуқаролардан 50 га яқин ариза ва шикоятлар тушган бўлса, ҳаммаси вақтида ва холисона кўриб чиқилган, низоли масалалар бўйича тегишли чоралар ҳам кўрилган.

Комиссия томонидан текширувдан ўтказилган 120 та хўжалик субъектида рўйхатга олиш китобининг қонун-қоидаларга мувофиқ тўлдирилгани бўйича олиб борилган мониторинг таҳлиллари шуни кўрсатдики, аксарият назорат органларига бу борада ҳануз масъулият етишмаётир, яъни кўплаб ҳолларда камчиликлар кузатилмоқда. Албатта, ўз ишига масъулиятсиз ёндашган шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўрилиши муқаррар. Жумладан, Мирзо Улуғбек ва Шайхонтоҳур туманлари Давлат солиқ инспекцияларининг уч нафар ходими хўжалик юритувчи субъектларнинг «Текширишларни рўйхатга олиш китоби»ни белгиланган тартибда тўлдирмаганлиги учун интизомий жазога тортилди. Шу каби камчиликларга Учтепа, Чилонзор, Собир Раҳимов ва Миробод туман ДСИлари ва бошқа айрим туман назорат органлари ходимлари томонидан ҳам йўл қўйилганлиги аниқланиб, уларга нисбатан чоралар кўриш юзасидан комиссия таклиф-тақдимнома киритган.

Айтиб ўтиш жоизки, қайд этилган Фармон талабларидан келиб чиққан ҳолда 2007 йилда ҳам текширишлар сони анча қисқарган. Жумладан, шаҳар солиқ идоралари томонидан 2005 йилда 4.146 та хўжалик юритувчи субъектда режали текшириш ўтказиш белгиланган бўлса, 2006 йилда ушбу кўрсаткич 2.558 тани ташкил этган. Жорий йилда эса текширувлар сони 4,5 фоизга камайган.

Текширишларни режалаштириш даврида хўжалик субъектларини танлаш ва рўйхатга киритиш ишлари махсус мезонларга риоя этган ҳолда алоҳида тартиб бўйича юритилади. Ҳудудий комиссия томонидан текширувларнинг самарадорлиги юзасидан ҳам ўрганишлар ўтказилади. Ва айтиб ўтиш керакки, текширишларни қисқартириш юзасидан қўлланилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, кейинги пайтда ўз молиявий-хўжалик фаолиятида қоидабузарликларга йўл қўяётган субъектлар сони юқорилигича қолмоқда. Хусусан, кейинги пайтда солиқ идораларининг мутасадди вакиллари томонидан ўтказилган текширувларнинг деярли 90 фоизида турли даражадаги қоидабузарликлар мавжудлиги кузатилган.

Айни пайтда туман ҳудудий комиссияларининг асосий фаолияти назорат органлари масъулиятини кучайтириш, шунингдек тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини оширишга йўналтирилган семинар-йиғилишларни давом эттиришга қаратилгандир. Жорий йил бошидан буён ташкил этилган шу мавзудаги семинарларда 10 мингдан кўп тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этди.

Ҳудудий комиссиялар негизида ташкил топган жамоат кенгашларининг асосий вазифаси тадбиркорлик субъектлари ва ҳудудий комиссиялар ўртасида бевосита алоқани ташкил этишдир. Кенгашлар томонидан тадбиркорлик субъектларига мунтазам равишда амалий ва ҳуқуқий ёрдам бериб борилиши, улардан тушаётган шикоятлар ва мурожаатларнинг амалдаги қонун ҳужжатлари талаблари доирасида кўриб чиқилиши ҳамда бу ҳақда ўз вақтида комиссия йиғилишлари кун тартибида муҳокама қилиниши жорий этилган. Бундан ташқари, жамоатчилик кенгашлари ташаббуси билан бозорлар ҳудудида ўрнатилган «Ишонч қутилари» ва радиотармоқлар ҳам ўз самарасини бермоқда.

Шаҳар ҳудудий комиссияси қошидаги «Ишонч телефони» эса тадбиркорларнинг «тез ёрдами»га айланган десак муболаға бўлмайди. Қайси вақт бўлмасин, бу ерга мурожаат этаётган ҳар бир киши ўз масаласига тезкорлик билан аниқлик киритиб олишга эришаётир. Шу боис «Ишонч телефони» рақамларини яна бир бор эслатиб ўтиш фойдадан холи бўлмас: 144-51-63, 140-32-18. Тегишли масалалар бўйича қўнғироқ қилсангиз, кутилган жавобни олишингизга ишонамиз.

**Салоҳиддин МАҲМУДОВ, Тошкент шаҳар назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳудудий комиссияси котиби.**

*Мустақиллик мевалари*

# ЭЗГУ МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА

**МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА МАМЛАКАТИМИЗДА БАРЧА СОҲАЛАРДА АЙНИҚСА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР, ЯНГИЛАНИШЛАРНИНГ АСЛ МАҚСАДИ ХАЛҚ САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛАЁТГАНЛИГИ ҚУВОНАРЛИДИР. ХУСУСАН, ЙИЛ САЙИН ШАҲРИМИЗДА ЯНГИ ЗАМОНАВИЙ ПОЛИКЛИНИКАЛАР, ШИФОХОНАЛАР ҚАД РОСТЛАМОҚДА, ЭСКИЛАРИ ҚАЙТА ТАЪМИРЛАНИБ ЯНГИ ҚИЁФА КАСБ ЭТМОҚДА. БУНДАН ТАШҚАРИ ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТ АНЖОМЛАРИГА ЭГА БИР ҚАТОР ХУСУСИЙ КЛИНИКА ВА ШИФОХОНАЛАРНИНГ БАРПО ЭТИЛАЁТГАНЛИГИ БАРЧАНИ ҚУВОНТИРМОҚДА. АЛБАТТА БУЛАРНИНГ БАРИНИ МУСТАҚИЛЛИК МЕВАЛАРИ ДЕСАК АДАШМАЙМИЗ.**



Инсон ниманики орзу қилиб, эзгу мақсадлари сари интилиб яшаса, албатта ниятларига эришади. Буни мамлакатимизда хайрли ният билан иш бошлаб катта ютуқларга эришаётган тадбиркорлару ишбилармонлар ҳаракатидан ҳам билишимиз мумкин. Раънохон Ҳожимуҳамедова ҳам дилига тугиб қўйган эзгу ниятларини амалга оширишга астойдил киришиб, ўз билим ва тажрибасини халқ саломатлигини сақлаш йўлида сарфлашга азму қарор қилди ва тинимсиз елиб-югуришлари натижасида ўз мақсадига эришди. Собир Раҳимов туманидаги «Регистон» ресторани ёнида «SHIFO NUR-SERVIS» хусусий фирмаси қошида «Guncha MED» даволаш-диагностика клиникасини очишга муваффақ бўлди. Аслида шифокорлик касбини улуғлаб келаётган Раънохон бугунги кунда мазкур клиника раҳбари, шунингдек, «Тадбиркор аёл» уюшмаси аъзоси, тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоси, Тошкент шаҳар Кенгаши депутатидир.






«Guncha MED» даволаш-диагностика клиникаси 2004 йил 1 сентябрда,яъни Мустақиллигимиз байрами арафасида ўз фаолиятини бошлади. Эски, қаровсиз ташландиқ майдонда шундай замонавий клиника биносининг барпо этилиши аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш йўлида бошланган дадил қадам бўлди.

— Клиника замон талабларига жавоб берадиган тиббиёт асбоб-ускуналари билан таъминланган бўлиб, бу ерда 10 дан ортиқ йўналишда малакали, олий тоифадаги шифокорлар томонидан халқимизга кардиология, неврология, урология, гинекология, стоматология каби мутахассисликлар бўйича сифатли тиббий даволаш ишлари олиб бориляпти,—дейди биз билан суҳбатда «Guncha MED» клиникаси раҳбари Раъно Ҳожимуҳамедова.— Жумладан, терапевт-кардиолог- ЭКГ диагностикаси, хафақонлик, ИБС стенокардия, юрак аритмиялари, қон айланиши етишмовчилиги, ревматизм, шунингдек, миокард инфарктини ўтказган беморларнинг соғлигини қайта тиклаш, невропатолог-периферик нерв тизими остеохондрози, радикулит, умуртқалараро диск чурралари, марказий нерв тизими, энурез, дудуқланиш, тутқаноқ хуружлари, психоневрологик ҳолатлар, шунингдек, бош мия жароҳати, менингит, инсультни ўтказган беморларнинг соғлигини қайта тиклаш, невролог-сурункали пиелонефрит, гломерулонефрит,нефротик синдром, болалар шифокори — чақалоқларнинг ривожланишини назорат қилиш, эксудатив диатез, бронхит, зотилжам,аллергик ҳолатлар, вирусли инфекциялар, дисбактериоз билан оғриган бемор болаларни даволайди. Уролог — эркаклар бепуштлиги, жинсий заифлик, простатит, уретрит билан касалланган беморларни даволайди ва кичик урологик операцияларни ўтказади. Шунингдек, клиникада жарроҳ проктолог Миржалол Саидов томонидан геморрой, параректал оқмалар, анал ёриқлари, тўғри ичак полиплари ва бошқа жарроҳлик муолажалари амалга оширилади.Шу билан бирга ЛОР, гинеколог сингари тажрибали мутахассислар беморлар дардига малҳам бўлмоқда. Клиникадаги мавжуд физиотерапия хоналарида эса электрофорез, ультратовуш, дарсенваль, КИС, ингаляция, парафин, механомассаж, игна билан даволаш, болалар ва катталар массажи, жигар ва ўт пуфагини зонд ёрдамида тозалаш, доривор гиёҳлар ёрдамида ичакни ювиш муолажалари бажарилади. Шунингдек, УЗД хонасида-жигар, ўт пуфаги,сийдик ажратиш ва жинсий аъзолар, эндокрин без касалликлари ташхиси, ҳомиладорлик ва унинг муддати, бола ҳолати, жинси аниқланади. Клиникада беморларнинг даволанишлари учун барча турдаги замонавий тиббий жиҳозлар мавжуд. Яъни уч томонлама кўрсатадиган янги рангли Допплерография аппарати Интернет тармоғига уланган. Шунингдек, УЗД аппаратлари Хитойдан келтирилган. Стоматология хонаси эса Хитой,-Япония ва Германия, Россиядан келтирилган замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган.

Дарҳақиқат, шинамгина, озода ва саранжом-саришта ушбу клиника билан танишар эканмиз, бу ерда 20 ўринли стационар, соғломлаштириш, тренажёр зали, химия-лаборатория хоналари, дам олиш хоналарини кўриб, беморлар учун барча шарт-шароитлар яратилганлигининг гувоҳи бўлдик. Шуни таъкидлаш керакки, Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан май ойида 50 нафар уруш ва меҳнат фахрийлари тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларга 100 минг сўмлик тиббий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, аҳолининг кам таъминланган қисмига, камқонлик касали билан оғриган аёлларга имтиёзли даво чоралари кўрилди.

— Албатта келгусидаги режаларимиз ҳали кўп,—дейди Раъно опа. — Келгусида соғломлаштириш марказини янада кенгайтириш, бассейн, сауна, фитобар, 1 ва 2 ўринли даволаш хоналари, операция блоклари, гинекологик хасталикларининг олдини олиш хоналарини, шунингдек, аптека, ошхона барпо этиш ниятидамиз.

Дарҳақиқат, яхши ниятлар билан бошланган ишлар албатта хайрли бўлишидан умидвормиз. Зеро, халқ саломатлигини сақлаш тиббиёт ходимларининг асосий бурчи ва олий мақсадидир. Биз ҳам мана шундай эл саломатлиги йўлида эзгу ишларга бош бўлаётган Раъно Ҳожимуҳамедовага хайрли ишларида ҳамиша омад ёр бўлишини ният қиламиз.

**Дилором ИКРОМОВА**

**СУРАТЛАРДА: «Guncha MED» клиникаси фаолиятидан лавҳалар.**

**Козим Ўлмасов олган суратлар**

